

## СУВ ХЎЖАЛИГИ ИНШОАТЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА РЕСУРС ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШДАГИ МАВЖУД КАМЧИЛИКЛАРИ

*Тошева Мафтуна Рустамовна*

*“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университети ассистенти*

**Аннотация:** Ушбу мақола сувдан фойдаланиш соҳасидаги сувни тежовчи технологияларни жорий этишнинг мавжуд муаммолари таҳлил этилган. Хулоса қилиб, республика ҳудудларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сувни тежовчи технологияларни жорий этиш тизимини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

**Калитли сузлар:** модернизация, инновация, сув ресурслари, сувдан самарали фойдаланиш, ресурс тежамкорлик, сув тежамкор технологиялар, ЯИМ, ГИС технологиялари, томчилаб суғориш технологияси.

**Кириш.** Модернизациялаш ва миллий иктисодиётни инновацион шаклда ривожланишга йуналтиришнинг энг асосий вазифаларидан бири барча тармоқларда ресурс тежамкор иктисодий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир.

Мамлакатимизнинг етакчи олимларининг фикрига кўра, модернизация объектларнинг техник шароитлари, сифат кўрсаткичларини талаб нормалари даражасида янгилаш ва такомиллаштиришдир. Модернизация ижтимоий-тарихий жараён бўлиб, анъанавий жамиятни илғор, индустриал жамиятга айлантиришдир [1].

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, минтақаларда сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан замонавий ресурс тежамкор технологияларни қўллашга боғлиқдир. Сув танқислиги шароитида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув тежамкор технологияларни жорий этиш орқали унумдорликни ошириб бориш энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

**Муаммонинг қўйилиши** Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича жуда кўп назарий ва амалий ишлар қилинганига қарамай амалиётда исрофгарчилик юқориликча қолмоқда. Шу сабабли бу мавзуда қуйидаги муаммолар долзарб аҳамиятга эга:

- сувдан самарали фойдаланиш учун ресурс тежамкор технологияларни қўллашда қандай муаммолар мавжуд?
- ресурс тежамкор технологияларни қўллаш бўйича жаҳон мамлакатларида эришилган натижаларни ўрганиш ва таққослаш;
- минтақалар миқёсида сув тежамкорлик ишларини таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалигида субъектлар хусусийлаштирилди, сувдан фойдаланиш тизимида янги институционал ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бирок ўтиш даврида сув тежамкорлик тушунчалари позицияси бироз чекинди. Шунингдек, бу тизимдаги асосий воситаларининг эскириши сув исрофгарчилигини ошиб боришига сабаб бўлди.

Жахон Банки маълумотларига кўра, Марказий Осиё давлатларида сув истеъмоли даражаси жахон мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичга эга. Масалан, Ўзбекистонда кунига ишлатилган сув сарфини аҳоли жон бошига тақсмоти 446 литрни ташкил этади. Бу кўрсаткич Европа давлатларидаги кўрсаткичдан уч баравар юқоридир [2].

**Тадқиқот услуги** Шунингдек, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистон жахонда сув ресурсларини энг кўп исроф қилувчи давлатлар қаторига киради. Мисол учун, Туркменистонда йил давомида ишлатилган сув ресурсларининг аҳоли жон бошига тақсмоти 5,8 минг метр кубни ташкил этади. Агар бу кўрсаткични ривожланган мамлакатлар билан таққосласак, АКШдагидан 4.4 баравар, Хитойдагидан 14 баравар кўп эканлиги маълум бўлади.

“Марказий Осиё давлатлари ЯИМ нинг хар бир бирлигига сувни сарфи бўйича дунё мамлакатлари орасида “етақчилик” қилмоқда. Таққослаш учун Туркменистонда бир бирлик ЯИМ яратиш учун сарфланган сув ресурслари Европа мамлакатларидагидан 43 баравар кўпдир”-дея қайд этилган [CA-News](#) информацион порталидаги аналитик докладда [3].

Юқоридаги маълумотларнинг тахлили шуни кўрсатадики, бир хил табиий шароитда харид зонада жойлашганлигига қарамай Ўзбекистонда ўртача 1 гектар ерга сарфланган сув ресурсларининг кўрсаткичи Исроилдагидан 2,2 баравар, Тожикистонда 2,8 баравар, Туркменистонда 2,4 баравар, Қирғизистонда 2 баравар ва Жанубий Қозоғистон минтақасида 2,2 баравар кўпдир. Иқтисодиёт тармоқларида ишлатилган сув ресурсларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача кўрсаткичи Ўзбекистонда Исроилдагидан 7,4 баравар, Тожикистонда 7,2 баравар, Туркменистонда 16,2 баравар, Қирғизистонда 3,1 баравар ва Жанубий Қозоғистон минтақасида 12,2 баравар кўпдир. Бу расмда Жанубий Қозоғистон минтақаси Орол хавзаси жойлашганлиги сабабли, унинг кўрсаткичлари Қозоғистон Республикасиникидан ажратиб кўрсатилган.

Юқоридаги маълумотларга кўра, Европа Иттифоқи давлатларининг кўпгина қисми, жумладан Польшада охириги 20 йил ичида аҳоли жон бошига кунлик сув сарфи ўртача 225 литрдан 100 литргача камайтиришга эришганини кузатиш мумкин. Шунингдек, Германия, Дания ва Чехияда бу борадаги ижобий кўрсаткичлар мамлакатнинг юқори даражада саноатлашгани ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этилгани билан тавсифланади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон [Фармони](#), ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008-2012 йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурига асосан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди тузилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган ПФ-4478 фармонига кўра, томчилаб суғоришни жорий қилган юридик шахсларнинг томчилаб суғорилаётган ер майдони 5 йил муддатга ягона ер солигадан озод қилиниши қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Томчилаб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кура томчилаб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича ҳудудий ва туман ишчи гуруҳлари ташкил этилишини, сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳар йиллик давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқилиши, тижорат банкларига томчилаб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш давлат дастурига киритилган лойиҳалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича кредитлар бериш тавсия қилиниши кузда тутилган [5].

Дастурга кўра, республика бўйича 2013 йилда сув тежамкор технологияларни жорий этган ерлар жами 3420,9 гектар бўлиб, бу жами суғориладиган ерларнинг бор-йўғи 0,08 %ини ташкил этади. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Сирдарё, Хоразм вилоятларида сув тежамкор технологияларни жорий этилиши 125 гектарни ташкил этган, ҳолда жами суғориладиган ерларнинг бор-йўғи 0,036%ини ташкил этмоқда.

Таққослаш учун маълумот: Хитойда сув тежамкор технологиялар жами суғориладиган майдонларнинг 11 %ида қулланилади ва бу деярли 6 млн. гектарни ташкил этади. Бу курсаткич АКШда 57 %ни, Испанияда 68 %ини ташкил этади [4].

Сув тежамкор технологиялар сезиларли миқдордаги сувни тежашга имкон бериши билан бирга уларни жорий этиш учун катта миқдорда маблағ сарфланишини талаб қилади. Қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган субъектларнинг катта қисмини тежамкор технологияларни қўллаш учун молиявий имконияти етарли даражада эмас. Мисол учун, Наманган вилоятида амалга оширилган Ғуза, Бугдой ва Боғ (олма дарахтлари) майдонларида томчилаб суғориш технологияси (ТСТ) жорий қилишда харажатлар ва

фойданинг қиёсий тахлили қуйида келтирилган:

**Натижалар** “Ҳисоб-китоблар ҳар бир экин турининг 10 гектари учун берилди, чунки айнан ана шу ўлчамдаги ер майдонида умумий миқёсдан минимал тежамкорликка эришиш мумкин ва киритилган сармоя самара бера бошлайди. Суғориладиган ерлар кенгайтирилишига қараб, қилинган чиқимларни қоплаш вақтидаги самара ҳисоблаб чиқилмоқда. Нархлар 2013 йил учун жорий баҳоларда олинди ва бу вақт ўтиши билан албатта ўзгариши мумкин. ТСТ ўрнатиш бўйича сармоялар баҳоси Наманган вилоятидаги томчилатиб суғориш тизими ишлаб чиқарувчиси - «Жамолиддин Сардор Хдмкор» фермер хужалиги қошидаги ишлаб чиқариш корхонасининг тегишли нархлари асосида ҳисоблаб чиқилди. 10 гектар бўғдой майдонида ТСТ ўрнатиш энг қиммат - 91,6 миллион сум, ўшанча Ғуза майдонида ўрнатиш эса 88,4 миллион сумни ташкил этган. Энг арзон ва фойдалиси 10 гектар боғ учун ТСТ ҳисобланади - 50,4 миллион сўмни ташкил этган”[3].

**Хулоса** Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

- биринчидан, сув тежамкор технологияларни жорий этиш бутун ирригация тизимини модернизациялаш ва тўлиқ механизациялашни талаб қилади. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз сув хўжалигида 180 минг км суғориш тармоқлари, 160 минг. сув иншоотлар, шу жумладан 800 та йирик сув иншоотлар, 8,2 млрд.кВт электр энергия сарфига эга бўлган 1614 та насос станциялари, умумий ҳажми 19,2 млрд.метр куб бўлган 55 та сув омборлари, 4124 дан ортиқ тик қудуқлар, 102,8 минг.км очик коллектор тармоқлари, 38,3 минг км. ёпик дренаж тармоқлари, 3451 та тик дренаж қудуқлари, 153 та мелиоратив насос станциялари, 24839 та кузатув қудуқлари мавжуд бўлиб буларнинг катта қисми эскирган, ҳамда замонавий сув тежамкор технологияларга мослаштирилмаган;

- иккинчидан, ГИС технологиялари ёрдамида сув тежамкор технологияларни жорий этиш мумкин бўлган ерларни аниқлаб, уларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш лозим. Бу тадбир минтақалар бўйича сув тежамкор технологияларни жорий этиш учун жами қанча молия зарурлиги, уларни амалга ошириш мониторингини информацион технологиялар ёрдамида кузатиш имкониятини беради;

- учинчидан, жаҳон амалиётида сув тежамкор технологияларни оммавийлашувига сув сарфининг юқори аниқликда назорат қилиниши, ҳамда меъёрдан ортиқча сув сарфи учун жуда катта жарима тўловларни жорий этилиши, кредитлаш, субсидиялаш, консалтинг каби ташкилий усуллар сабаб бўлган. Шу сабабли, сув сарфи регулятори механизмни қўллаш мақсадга мувофиқдир;

- тўртинчидан, томчилаб суғориш технологияларнинг нархи сўнгги 10 йилда 4 баравар ошган. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланувчиларнинг тўлов қобилияти бу нархларни кўтаролмайди. Шунингдек, сувдан фойдаланишда тулов тизими таъсирли эмаслиги сабабли бу технологияга харажат қилиш учун уларда мотивация йук. Бундай шароитда ресурс тежамкор технологияларни қўллашда кредитлаш, субсидиялаш, меъёрдан ортикча сув сарфи учун жарималаш каби механизмларнинг таъсир доирасини янада ошириш зарурдир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони. – Тошкент, 2019. <https://lex.uz>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 09 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4486-сонли қарори <https://lex.uz/docs/4545898>

3. Вахабов А.В. Норма инвестиции и стратегия модернизации национальной экономики мировой опыт и национальной особенности // “Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста”. - Т.: ИПМИ; ПРООН; GIZ. 2011. с.54.

4. Хамраев Н.Р. Когда расцветает земля. -Т.: Шарк. 2010.-144 с.; Хамраев Н.Р. Экономика водосберегающих технологий в Узбекистане / соавт. С.Ч. Джалалов. -Ташкент. Мехнат, 1990. - 185 с.; Духовный В.А., Соколов В.И. Водосбережение и рациональное водопользование воды - общая забота-Т.: 2009.

5. О государственной программе мелиоративного улучшения орошаемых земель на период 2008-2012 годы. Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Ўзбекистан, 2008 г., № 3, с. 164., Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошка суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори (Ўзбекистан Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 334-модда).